



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда: судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериши, шунингдек, турар жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб бориши назарда тутилган тартибни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқласин; судларнинг таркибий тuzилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлиналар ташкил қилиш тўғрисида тақлифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкларини, туманларо судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқсин ҳамда фуқаролик ишлари бўйича

судлар тизимини оптималлаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар тийёрласин. Бунда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузурдаги Юристар малякасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилсин.

5. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Судлар ва Адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритсин;

бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

7. Маъмур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчисини вазифасини бажарувчиси Б.А.Коканбаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

Тошкент шаҳри, 2012 йил 2 август

И. КАРИМОВ

Қашқарғарё Вилояти

Шаҳрисабз, Китоб, Яққабоб туманлари тоғ ёнбағридаги сўлим гўшаларда ташкил этилган болалар оромгоҳлари ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Бу йил вилоятда ташкил этилган 19 та оромгоҳда 26 мингдан ортиқ ўғил-қизлар ўз ёзи таштиллорини мазмунли ўтказишмоқда. Дам олаётганларнинг асосий қисмини меҳрибонлик ва мурувват уйлари болалари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ташкил этади.

СОЛИҚ БИЛИМЛАРИ — БОЛАЛАРГА

— Мустаҳкам оила йилида асосий эътиборимиз ўзбек оилаларидаги иноқлик, ўзига хос урф-одатлар ва анъаналар, бунёдкорлик, яратувчанлик, меҳр-оқибат хусусиятларига қаратилмоқда, — дейди Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» оромгоҳи раҳбари Исмаилов Тўрақулов. — Бу галги мавсумни шунга биноан «Лочин» оиласида ёз» деб номланган.

Болажонлар мириқиб дам олиш билан бирга турли тўғарақлар, мусобақа ва беллашуларда қатнашиб, машгулотларда ўз таассуротларини бойитмоқдалар. Оромгоҳларда маданий тадбирлар, сахна кўринишлари, спорт мусобақалари билан бирга «Сиз солиқлар ҳақида нималарни биласиз?» «Мен солиқчи бўлмоқчиман» каби мавзуларда кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Уларда шахар ва туман ДСИларининг тажрибали мутахассислари қатнашиб, ўқувчилар билимларини баҳолаш билан бирга, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришмоқда.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Самарқанд Вилояти

ТАЖРИБА ҲАМ, ДАРОМАД ҲАМ ОРТМОҚДА

Каттақўрғон туманидаги Қумоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида томорқасидан унўмли фойдаланиб, эл дастурхони тўқинлигига ҳисса қўшаётган оилалар бисёр.



— Кўп йиллар мобайнида томорқага эътибор бермай келинди, — дейди Нурали Умиров. — Мустақиллик шарофати билан ерга муносабат бутунлай ўзгарди. Астойдил меҳнат қилинса, кафтдекки ердан ҳам оила бюджетига салмоқли даромад келиши мумкинлигини тушуниб етдик. Мана беш-олти йилдирки, томорқадан унўмли фойдаланиб келяпмиз. Йил сайин деҳқончиликда тажрибамиз ҳам, даромадимиз ҳам ортмоқда. Бунинг ўзинидан қийин, тахлил қилсак. Ўн икки сотих томорқамиз бор. Жорий йилнинг эрта баҳоридан помидорнинг тезпишар — «Султон» навини экдик. Бозорга биринчилар қаторида махсулот чиқардик. Натижада томорқанинг илк экнидан беш миллион сўм соф фойда олдик. Помидордан бўшаган майдонга иккинчи экин — булғор қалампирини ва бақлажон уруғи қададик. Бақлажонни бозорга чиқарсак, бир-бир ярим миллион сўм даромад келтиради. Булғор қалампиридан эса икки миллион сўмни чўглаб турибмиз. Кўриб турганингиздек, кафтдек ер бир йилда 7,5-8 миллион сўм фойда келтирапти. Бундан ташқари, ўн түп тоқимиз бор. Уларга алоҳида эътибор билан ишлов берганимиз боис етти юз килограмм атрофида узум олинади. Рўзгордан ортгани бозорга чиқарилади.

Акбар ҚАРШИЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири. Тохир НОРКУЛОВ олган сурат.

Навоий Вилояти

ЯНГИ УЙЛАР ЁШЛАР БИЛАН ЯШНАР

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига асосан ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қўлай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ҳамда имкониятлар яратиш бериш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Дастурга биноан 2012-2013 йилларда Навоий шаҳрида ҳам 2 та 40 ва 48 хонадонли ҳамда 1 та 124 хонадонли кўп қаватли турор-жўяли барпо этилмоқда.



— Шаҳарнинг 17-кичи туманида 40 хонадондан иборат кўп қаватли турар-жўяли биноси қурилишини якунига етказдик, — дейди «Шарқ Жило Меъмор» масъулияти чекланган жамияти раиси Дилшод Ашуров. — Мустақиллигимизнинг 21 йиллик тўйига тўёна бўлганидан биз қурувчилар жуда бахтиёрмиз.

Маърифат ШАРИПОВА

Тошкент Вилояти

ЙЎЛЛАР РАВОН, КЎНГИЛЛАР ЧАРОҒОН

Паркент тумани ҳокимлиги томонидан йил бошида ҳўжаликларор ички йўллари таъмирлаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилган эди. Унга кўра, жорий йилда 22 та қишлоқ ва маҳалла кўчаларини таъмирлаш кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун қарийб 1 миллион сўм маблаг ажратилган.

Ҳозирга қадар ажратилган маблагнинг қарийб 600 миллион сўми ўзлаштирилди. Таъмирлаш ишлари тендер асосида танлаб олинган «Келажак Пойтахт йўл» МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда.

— Аини пайтгача туман бўйича 10 дан зиёд йўллар тўла таъмирдан чиқарилди, — дейди туман коммунал фойдаланиш давлат унитар корхонаси раҳбари Отабек Мирдавлатов. — Бундан ташқари, режага кўра, яна 3 та йўл ҳам янгиғидан асфальтланди. — Қишлоғимиз йўллари Мустақиллик байрами арафасида янада чиroy очган, — дейди сўқоқлик оқсоқол Сайфиддин ота Шожалилов. — Қурувчиларнинг тезкор саъй-ҳаракатлари билан илгари юриш анча мушкул бўлган тош кўчаларга асфальт ётқизилди. Эски йўллар қайта таъмирдан чиқарилди.

Иброҳим ТОШЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Хоразм Вилояти

Қўшқўпирлик қайта ишловчилар тола чиқишини 37,4 фоизга етказдилар

«Қўшқўпирпахтатозалаш» очик акциядорлик жамияти аъзолари туман пахтакорлари томонидан етиштирилган хомашёни қайта ишлаб, ундан жаҳон андозаларига жавоб берадиган харидорғир тола олишмоқда. Жамоа аъзоларининг ҳар бир ишга масъулият билан ёндашётганлиги натижасида маҳсулот миқдори ва сифати йилдан-йилга ошмоқда.

Туман далалари сув йўллари охирида жойлашганлиги сабабли ўтган йилгидек обихоёт тақчил бўлган йилларда барча экинлардан, хусусан, пахтадан ҳосил машаққатли меҳнат эвазига етиштирилади. Қўшқўпирликлар ҳар қандай шароитда ҳам мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштириш чорасини кўриб келмоқдалар. Умарбек Яхшимов раҳбарлигидаги «Шоҳимардон», Фарҳод Раҳимов бошлиқ «Мадад», Саъдулла Бобоқонов бошқараётган «Барака», Алишер Рўзमतов раҳбарлик қилаётган «Шахло-Зилола» фермер ҳўжалиги аъзолари ҳар йили шартномавий режаларни ошириб бажараётганликлари ва сифатли ҳосил топираётганликлари боис яхши даромад олиб келмоқдалар.

Пахта тозалаш корхонаси жамоаси ўтган йилда туман пахтакорлари етиштирган ҳосил — 18248 тонна «оқ олтин»ни қабул қилган эди. Ана шу хомашёдан режадаги 6090 тонна ўрнига 6772 тонна юқори сифатли тола олинди. Тола чиқиши режадаги 33,6 фоиз ўрнига 37,4 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, 9436 тонна ўрнига 9604 тонна чигит, 540 тонна ўрнига 573 тонна момиқ ишлаб чиқарилди. Жамоанинг маҳсулот сифатини ошириш, таннархни камайтириш, тежамкорликка эришиш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли қайта ишладан кўрилган 1 миллион 342 миллион сўм фойданинг бир қисми эвазига ўтган йили 150 тонна сизимга эга совиткич сотиб олинган бўлса, яқин кунлар ичида 50 минг бош паррандага мўлжалланган ферма ишга туширилди.

— Аамалдаги йилда гўза парвариллаётган 290 та фермер ҳўжалиги билан имзоланган шартномамизга кўра, 33540 тонна пахта қабул қилинади. «Сифат даладан бошланади», деганларидек, биз хомашё сифати учун қишлоқ ҳўжалиги ходимлари ва мутахассислари билан йил бошиданок тадбирлар белгилаймиз, — дейди «Қўшқўпирпахтатозалаш» ОАЖ раҳбари Ҳожибой Иброҳимов. — Ававало, ҳар бир ҳудуд шароитига мос, ҳосилдор навлар танланиб, жойлаштирилди. Шунингдек, пахта ишлаш шартномавий режаларини амалга ошириш учун мўл бўлаётганлиги, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг катта ёрдамлари билан далаларимизда мўл ва сифатли ҳосил етиштирилмоқда.

Холмурод ҚУРБОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШДАГИ МУҲИМ ТАДБИР ВА ТАВСИЯЛАР

МЕҲНАТУ МАШАҚҚАТ, КАТТА САРФ-ХАРАЖАТ ЭВАЗИГА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ПАХТА ҲОСИЛИНИ НЕСТ-НОБУД ҚИЛМАЙ, ЎЗ ВАҚТИДА ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ, ПАХТА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШ — ТОЛАНИНГ МАВЖУД ТАБИИЙ СИФАТЛАРИ САҚЛАШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Ҳар йили пойтахтимизда пахта заивлаётган халқор ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида юртимизда етиштирилаётган пахта ҳосили сифати юқори эканлиги эътироф этилади. Ҳадемай далаларда пахта терими бошланади. Бу жараёнда, аввало, қуйдагиларга эътибор бериш лозим: етиштирилган ҳосилнинг энг камиди 60-65 фоизи очилганда далада теримни ўтказиш мақсада мувофиқ ҳисобланади. Кейинги теримни эса қолган ҳосилнинг 50 фоизи очилганда ташкил қилиш керак. Илмий манабаларда келтирилишича, гўза тўлган ҳосил 3-4 терим билан яқунланиши керак. Яна бир муҳим ғал. Пахтани чанокларда қолдириб чала териш кўплаб ҳосил йўқотилишига олиб келади. Бунинг теримчиларга чўқур ағлатиш ва терим сифатини доимий назорат қилиб бориш зарур.

Тахассислар томонидан кўздан кечирилиши, агар гўзаларда касалланган пахталар учраса, улар алоҳида терилиш мақсада мувофиқдир. Фермерлар шунинг унутмаслиги зарурки, теримчилар, албатта, фартуқлар, тоза ичимлик суви билан таъминланиши керак. Шунингдек, биринчи тиббий ёрдам дори-дармонлари бўлиши ҳар 2-3 шийпонда 1 нафар тиббий ходимнинг навбатчилиги ташкил қилиниши керак.

Йўллар, кўприклар, пахта ташиниш ва орттиш транспортлари, хирмонжойлари теримдан энг камиди 10 кун олдин ҳозирланиши мақсада мувофиқдир. Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мутахассислари пахта далаларини тахлил қилиб, теримни қаердан бошлаш ва қисқа муддатларда йиғиб олиш жаҳвалини ишлаб чиқишлари керак. Улар пахтани қабул қилиш масканлари мутахассислари билан биргаликда фермерларга мав-

жуд стандарт талаблари бўйича пахта хомашёсининг навлар ва синфлар бўйича таснифланишини тушунтиришлари керак. Ана шунда улар тўлиқ очилмаган кўсақларни мажбуран очиб пахтасини теришга, терим давомида пахтага барглар ва бошқа аралашмалар қўшилишига йўл қўймайди. Пахта сифатига салбий таъсир қилувчи барча омиллар жиддий кузатилиши керак. Уруғлик пахталарини териш бўйича ишлаб чиқилган махсус йўриқнома фермер орқали ҳар бир теримчига тушунтирилиши лозим.

Фермер қабул масканига пахтани кўриштириб олиб борса, устама ҳақи олиш имкониятига эга бўлади. Пахтани кўриштириш учун эса махсус майдончалар бўлиши мақсада мувофиқ. Уларни тайёрлаш учун дала чекмасидан ўлчамини 8x8 м<sup>2</sup> ёки 10x10 м<sup>2</sup> майдончалар текисланиб, сомонли лой билан сувоқ қилиниши керак.

Дала атрофида шийпон бўлса, цемент ётқизилган бошқа майдончалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Пахта-куритишда махсус паншахалар билан ағдариб териш, бу жараёнда ишчи таги қомлоқ оёқ кийим кийиши тавсия этилади.

Пахта хомашёсининг далада қолиб кетишига умуман йўл қўйиб бўлмайди. Ҳосил ўз вақтида йиғиб олинмаса, унинг сифати пасаяди. Пахтани ташинишда тележаларнинг брезентлар билан қопланиши ёнғин хавфсизлиги ва бошқа кутилмаган ҳодисаларнинг олдини олади. Энг муҳими, барча ходимлар техника хавфсизлиги қодалари билан таниш бўлмоғи ва унга амал қилиши шарт.

Бахтиёр ХАЛМАНОВ, Ўзбекистон гўза селекцииси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти тола технологияси лабораторияси мудир.

Жиззах Вилояти

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Реклама ва эълонлар

# «МЕНИНГ ОНАМ ФЕРМЕР»

«Субҳи содик, Саҳархез хўрозлар бир-бирига навбат бермай, қиқирлашади. Айни шу паллада онажоним биз учун нонушта тайёрлаб, устини ёпганича далага кетган бўлади. Менинг ҳар тонгим шундай отади. Қишнинг қировли, баҳорнинг ёмгиру шабнамли, ёзнинг ҳароратли, кузнинг кут-баракали ҳар тонгини шундай қаршилайман.

Онажоним даласи жуда кенг, бирам белёнки, ўнда жавлон уриб ишлаётган ишчиларни кўйинг, тонги сукунатни бузиб «кар-кар»-лаётган баҳайбат-бакуват тракторлар ҳам толиқиб қолади. Ахир, 430 гектар-а?! Мен ҳам дам олиш кунлари бундан чўчиди-да, менга ҳовоқ уйган бўлади, баъзан эса, «Яна дум бўлдингми?» деб кўяди. Онажоним фермер. Фермер бўлганда илгор фермер.

Йўлдош Эҳодов номли сув истеъмолчилари уюшмасидаги онам бошлиқ «Санзор» фермер хўжалиги аъзолари ўтган йили



давлатга шартнома режаларидаги 500 тонна ўрнига 680 тонна сара дон сотишган, ҳар гектар галлазор ҳосилдорлигини 65,3 центнерга етказишганди. Унинг айтишича, бу унинг фермер хўжалигини ташкил этган 1995 йилдаги кўрсаткичдан уч хисса ортиқ

экан. Пахтачилик бўйича ҳам ҳосилдорлик ўша йилдаги 18 центнердан 36 центнерга ошибди. Ҳар гектар онам билан бирга далага бориб, унинг галлазор ёки пахтазор оралаб кетишидан, далага у ер-бу ерида тўхтаб, атрофга разм солишию, галла ёки

ғўза туллари тубига энгашишлари гўё экин билан сирлашаётгандек-сухбатлашаётгандек туюлади менга. Шундан бўлса керак-да, онам бошлиқ деҳқонлар ҳар йили пахтадан ҳам, галладан ҳам баланд хирмон уюшади. Бундан даромадлари кўпайиб, хўжаликлари учун кўша-кўша трактор, автомашина, плуг, сеялка, культиватор ва бошқа техникалар харид қилишади. Шу боис, уларнинг техникалари жуда кўп-да. Баъзи фермерлар ва ҳатто, ташкилотлар улардан техника сўраб келишади.

Онажоним хўжалиги орқали олаётган барча даромадларини оиламига, ишчи, механизатор, сувчиларга баравар тақсимлайди. Туманнинг кўлаб кам таъминланган оилаларига дон-дун тарқатишдан ташқари, тўй-маъракаларида кўлаб-қувватлайди. Туман ва қишлоғимизни ободонлаштириш, вилоят марказидаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, туман болалар спорт ва «Нуроний» жамғармалари учун миллион-миллион сўм маблағ ажратиш онам бошлиқ жамоа учун ҳеч гапмас.

Онамга ҳавас қиламан. Яхши ўқиб, яхши касб эгаси бўлишни орзу қилиб юрибман...

Рушона ЁДГОРОВА

Ушбу сатрлар Арнасой туманидаги кўптармоқли «Санзор» фермер хўжалиги раҳбари, «Дўстлик» ордени нишондори Рашида Ёдгорованинг яқинда 9-синфини тамомлаган қизи Рушона Ёдгорованинг «Онам — йўлчи юлдузи» арқин мавзусидаги ишонисидан олинган.

Ха, фарзанди айтганидай, Рашида Ёдгорова бошлиқ деҳқонлар бу йил 230 гектар галлазордан эл хирмонида шартномадаги 575 тонна ўрнига 737 тонна сара дон армуғон этишти. Ўз тасаруфларида қолган галлалари бу кўрсаткичдан ҳам зиёд. Бу билан улар ҳар гектар галлазордан ўтган йилги 65,3 центнер ўрнига 71,5 центнердан ҳосил ўриб-ийғиб олдилар.

Фермер хўжалиги аъзолари йил сайин галла ва пахта ҳосилдорлиги ҳамда улардан олаётган даромадларини ошира бориб, шунинг эвазига техника паркларини мустаҳкамлаш билан бирга, хўжаликлари қошида чорвачиликни ташкил этишга ҳам эътибор қаратиб келадилар. Бир йили 10 бош, яна бир йили 15 бош, хуллас, ҳозиргача 70 бош қорамол сотиб олишди. Айни пайтда уларнинг 34 боши соғилиб, олинётган сўт туман марказий

шифохонаси, мактабгача таълим муассасалари, кимё идораси туман филиали ва бошқа жамоаларга етказиб берилаётди. Хўжалик аъзоларининг ўзлари ҳам сўт, қатиқ, сарийёғ ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, 50 бошдан зиёд қўй-эчки ва кўлаб паррандаларидан олинаётган маҳсулотлари ҳам деҳқонлар дастурхонини беэмомқда.

— Яқин кунларда гўшт ва сўт йўналишидаги яна 66 бош «Сментал» зотли Австрия қорамоллари келтирамыз, — дейди Рашида Ёдгорова. — Айтишларича, улар серсут, тез семирадиган, бизнинг иқлим шароитида мос йиррик моллар экан. Юртимизда биз фермерлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётган, Президентимиз ва ҳукуматимиз ҳар томонлама кўлаб-қувватлаётган, ҳалол ишлаб, қўлингдан келса болайми, мулкларингни кўпайтиравер дейишаётган бўлса-ю, ҳатто дунёнинг нариги бурчидан бирор нарса харид қилмоқчи бўлсак, ёрдам бераётса, бундай имкониятлардан фойдаланмасак, ношудлик бўлмайдими?

Насли молларни яхши парваришлар учун 110 бош молга мўлжалланган янги, сугориш, ем тарқатиш, мол-



Хўжалик агрономи Карим Абдулфитров (ортада) механикаторлар Бахтиёр Маълюмов ва Эргаш Ҳасановлар.

лар тагини тозалаш курилмалари ўрнатилган намунавий молхона қурилган. Туман марказида эса 25 нафар ёш иш билан таъминланган «Фермерлик аёлининг иши эмас», дея руҳимни туширишга ҳаракат қилганлари қўлоқларимиз тағида ҳамон аксадо бериб туради. Қасдмақсад ишладик. Биринчи йилиёқ ҳар гектар галлазоримиздан 44 центнердан ҳосил кўтардик-да, ўзимизда қолган галлани сотиб, пулига чопик трактори сотиб олдик. Пахтачилигимиз ҳам ёмон бўлмади, мўмай даромад олдик. Лекин оз ернинг даромади ҳам барибир озда. Шунинг учун 1996 йили яна 34 гектар қўшиб олдик. Энди фермерга ўхшадик, деса, қулманг. Кўрсаткичларини ҳам ўхшатсак, ҳақиқий фермернинг ўзи бўламиз-қоламиз. Шу ақда билан ишлай бошладик. Пахта ҳосилдорлигини 30 центнерга, сўнг 35 центнерга кўтардик. Далаларимизда кўша-кўша тракторлар овози чиқа бош-

лади. 1998 йилга келиб, ҳар гектар пахтазоримиздан 48 центнердан ҳосил этиштирдик. Ўша йилнинг натижасига кўра, Юртобшимиз мени «Дўстлик» ордени билан сийлади. Бундай ҳурматдан қанчалик руҳланганимни билсангиз эди...

Ҳозирда 123 гектарда ғўза парваришланмоқда. Оби-тобида олиб борилаётган агротехник тадбирлар мўл ҳосилга замин бўлганди. Ана шу майдонларнинг 48 гектари ўтган йили қўшиб олган паст хосилли 96 гектар еримизнинг ярми. Шу боис, ҳар гектар пахтазоримиздан 23 центнердан ҳосил йиғиб-териб олишга шартнома тузган эдик. Бу йил ғўза учун ниҳоятда яхши келди. Жонажон республикаси мустақилигини 21 йиллиги шарафига бу рақамни яна 21 центнерга оширмоқчимиз. Демак, марраимиз ҳар гектар пахтазоримиздан 44 центнердан хирмон кўтариш.

Келдиёр ЖУРАКУЛОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



Хўжалик моҳир чорводори Уктам Муҳаммадиев.

## «KOSIMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ 147-СОНИ ҚАРОРИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ 2012 ЙИЛ 9 ИЮЛДАН 31 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МУДДАТДАГИ САВДОСИ НАТИЖАЛАРИ

Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг тавсифи	Ер участкасининг жойлашган жойи	Минимал қиймати (сўма)	Соғилми қиймати (милг сўма)
<b>Марказий вилоят</b>			
2012 йил 23 июлда			
Автомобилларга суволган газ тўлдирish компрессор шохбачаси қуриш учун	Юқори Чирчиқ тумани, Саҳсонота ҚФЙ	3 597 748,0	4 550,00
<b>Андижон вилояти</b>			
2012 йил 13 июлда			
1-сон "Умумий омаклавани шохбачаси" биноси қуриш учун	Ўрғалок ҚФЙ Қўшқўрғак МФЙ	38 060,0	150,00
2-сон "Умумий омаклавани шохбачаси" биноси қуриш учун	Ўрғалок ҚФЙ Қўшқўрғак МФЙ	38 060,0	200,00
1-сон савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун	Илбоскан ҚФЙ Тошкент маҳалласи	17 817,0	50,00
2-сон савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун	Илбоскан ҚФЙ Тошкент маҳалласи	17 817,0	50,00
3-сон савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун	Илбоскан ҚФЙ Тошкент маҳалласи	17 817,0	50,00
2012 йил 18 июлда			
Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун	Андижон шаҳар, Шимолий савот	1 453 460,0	1 800,00
Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун	Андижон шаҳар, Шимолий савот	1 453 460,0	1 800,00
3-сон савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун	Андижон шаҳар, Лойхавий Бобур шох кўчаси	52 325,0	100,00
4-сон савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун	Андижон шаҳар, Лойхавий Бобур шох кўчаси	52 325,0	100,00
5-сон савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун	Андижон шаҳар, Лойхавий Бобур шох кўчаси	52 325,0	75,50
6-сон савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун	Андижон шаҳар, Лойхавий Бобур шох кўчаси	52 325,0	125,40
Маънавий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун	Андижон шаҳар 10-сон МФЙ	111 506,0	150,00
<b>Навоий вилояти</b>			
2012 йил 18 июлда			
Муҳаймак дўкони қуриш учун	Ҳатирин т. М. Улуғбек маҳалласи Тўғибат к-ти	38 760,0	120,00
2012 йил 23 июлда			
Икки қаватли савдо дўкони қуриш учун	Караман т. К. Қариев кўчаси	52 649,0	250,00
<b>Самарқанд вилояти</b>			
2012 йил 9 июлда			
Кийим тикши ва таъмирлаш биноси қуриш учун	Палтаюн т. Забдуллин ШФЙ, А.Темур МФЙ	62 141,0	300,00
Маънавий хизмат кўрсатиш ва савдо дўкони қуриш учун	Палтаюн т. Забдуллин ШФЙ, А.Темур МФЙ	73 588,0	150,00
Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	Палтаюн т. Қўйбоғ ҚФЙ, Қоратепя МФЙ	170 710,0	300,00
2012 йил 10 июлда			
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун	Пайриқ т. Халлобод м-си Эшмоқов к-ти	2 830 000,0	3 000,00
Маънавий хизмат мажмуаси қуриш учун	Пайриқ т. Қўйбоғ ҚФЙ Мухаммад м-си	226 000,0	300,00
<b>Фарғона вилояти</b>			
2012 йил 10 июлда			
Ишлаб чиқариш объект биноси қуриш учун	Қувасой шаҳар, Юқори Муав МФЙ	112 224,0	200,00
Маҳсул чиқариш объект биноси қуриш учун	Қувасой шаҳар, Арсиф ШФЙ	6 870 000,0	7 870,00
Ишлаб чиқариш объект биноси қуриш учун	Қувасой шаҳар, Исафармасой ҚФЙ	2 335 800,0	3 335,80
Ишлаб чиқариш объект биноси қуриш учун	Қувасой шаҳар, Суфой ҚФЙ	274 800,0	1 000,00
Ишлаб чиқариш объект биноси қуриш учун	Қувасой шаҳар, Арсиф ШФЙ	1 868 640,0	1 950,00
Иккитомон соҳа объект биноси қуриш учун	Қувасой шаҳар, М.Улуғбек МФЙ, А.Навоий кўчаси	112 068,0	150,00
2012 йил 11 июлда			
Иссиқкона қуриш учун	Бешарик т. Бешарик ҚФЙ, Делхонгўда к-ти	960 960,0	1 000,00
Автомобиллар эҳтиёт қисмлари савдо дўкони қуриш учун	Бешарик т. Бешарик шаҳри, Янги хаб МФЙ	98 612,0	150,00
Савдо ва маънавий хизмат шохбачаси қуриш учун	Бешарик т. Яқалтут ҚФЙ, Яқалтут к-ти	170 502,0	200,00
Савдо дўкони қуриш учун	Бешарик т. Рақмон ҚФЙ, Рақмон к-ти	43 056,0	200,00
Маҳалла гузар қуриш учун	Бешарик т. Андаргон ҚФЙ, Собиртепа к-ти	299 520,0	400,00
Савдо мажмуаси қуриш учун	Бешарик т. Бешарик шаҳри, Янги хаб МФЙ	47 480,0	1 000,00
Чойхона ва савдо дўкони қуриш учун	Бешарик т. Рақмон ҚФЙ, Янги Рақмон к-ти	35 880,0	50,00
Автотехникат шохбачаси қуриш учун	Бешарик т. Андаргон ҚФЙ, Собиртепа к-ти	43 680,0	100,00
Иссиқкона қуриш учун	Бешарик т. Қашқар ҚФЙ, Қашқар к-ти	658 944,0	1 000,00
2012 йил 31 июлда			
Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохбачаси қуриш учун	Марғабон шаҳар, Қашқар маҳалласи, Ё.Марғабоний кўчаси	389 678,4	3 300,00
<b>Жиззах вилояти</b>			
2012 йил 25 июлда			
"Два ошани мажмуи ва чўпчилик суу хазираси (бессейн)" биноси қуриш учун	Мирчафта т. Гагариш шаҳар Ермак МФЙ	4 393 500,0	4 500,00

ЧФ "LIFE-PLUS", зарегистрированная ИРСН Юнусбадского р-на г. Ташкент (реестр № 000195-10, 23.01.2004 г.), реорганизованная путем преобразования в ООО "LIFE-PLUS". Тел.: 234-15-48.

ООО "GO ZAL BIZNES BANKA" (ИНН 302339248), зарегистрированное в Шайхантауровском р-не г. Ташкент (03.07.2012 г., реестр № 005094-09) в соответствии с решением учредителя (протокол № 2 от 31.07.2012 г.), ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент мавзо Сулоиди д. 97 к/р-а 53.

Ташкент шаҳар Машинасозлик касб-ҳунар коллежи томонидан 2002 й.да Хуснизова Фарига Атамовна номинга берилган ҚНТ № 259509 рақами (Р/Н 1550) диплом аҳолига тасдиқланади.

ООО "POYDEVOR INVEST" (ИНН 302179123), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства комитета Алмазского р-на г. Ташкент (реестр № 005634-05 от 18.01.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Беруний д. 4, ликвидируется (решение № 3 от 31.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

ООО "ELEKTROMOTORS AZIYA" (ИНН 208844897), зарегистрированное ИРСН Хокимията М.Улуғбекского р-на (реестр № 004941-04 от 06.08.2009 г.) на основании решения учредителя за № 2/12 от 01.08.2012 г. изменен свое фирменное наименование на "ENERGOSANES TECHNOLOGY", которое будет являться правопреемником ООО "ELEKTROMOTORS AZIYA" с несением всех его прав и обязанностей. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент М.Улуғбекский р-н ул. Мустақиллик Шох, 88. Тел.: 237-48-76.

## «KOSIMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА**  
**1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарорлари ҳамда Жиззах вилояти Зарбдор тумани ҳокимининг 2012 йил 27-июлда 529-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:**  
 1.Музқаймоқ кафеси биноси қуриш учун, Бўстон шаҳарчаси Дўстлик МФЙ худудиде жойлашган 1 дона 275 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 126 005 сўм.  
 Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Зарбдор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш тан-

лов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 1 декабрдан бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.  
 Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 4 сентябрь кунни соат 18.00 да тўхтатилади.  
 Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридеги закалат қилишувига асосан танлов ташкилотчисининг мажбу билдиришномасида кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.  
 Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Зарбдор тумани ҳокимлиги биносиде 2012 йил 5 сентябрь кунни соат 11:00 да очилади, 2012 йил 5 сентябрь кунни соат 16:00 да мажбу ҳокимлик биносиде танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган

талабгор танлов ғолиби деб топилди.  
 Юқоридеги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2012 йил 5 сентябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 21 сентябрь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 20 сентябрь соат 18:00 тўхтатилади.  
 Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Зарбдор тумани ҳокимлиги биносиде 2012 йил 21 сентябрь кунни соат 11:00 да очилади, 2012 йил 21 сентябрь кунни соат 16:00 да мажбу ҳокимлик биносиде танлов ғолиби аниқланади.  
 Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.  
 Танлов ташкилотчиси - "Kosimas mulk savdo xizmati" МЧЖ Жиззах вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 39 уй. Тел: (8-372) 222-34-16 электрон почта: rieltssavdo@inbox.uz. Расмий сайтими: www.tms.uz. Лицензия № RR 0001.  
 Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари қийматидеги ҳақ эвазига олади.  
 Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртманомат хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхадда тақдим этади:  
 - юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;  
 - жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатла-

рида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;  
 - танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;  
 - танлов ҳужжатлари талабгорлари мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхаддаги танлов таклифлари.  
 Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча varaқлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.  
 Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотекабанк" Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.  
 Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мўмкин бўлган манзил: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 39 уй. Тел: (8-372) 222-34-16.

Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltssavdo@inbox.uz  
 «Kosimas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозориде фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.



# НУРОНИЙЛАР ЗИЁРАТИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 17 июлда қабул қилинган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида маданий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда хайрия тadbирлари ўтказилмоқда.

"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан Пайарик туманидаги Имом Бухорий халқаро марказида бўлиб ўтган учрашувда жамғарма фаоллари, меҳнат фахрийлари, ибратли оилалар вакиллари қатнашди. Иштирокчилар дастлаб марказ фойалити, бу ерда олиб борилаётган илмий тadbирот ишлари билан яқиндан танишди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий халқаро марказида бугунги кунда юртимиздаги масжидлар имом-хатиблари махсус ўқув машғулотларида тахсил олиб, малака оширишмоқда. Шунингдек, илмий ходимлар томонидан буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бой маънавий мероси ўрганилмоқда. Учрашувда нуронийлар мустақиллик шарофати билан муқаддас динимиз тик-

ланиб, виждон эркинлиги таъминлангани, буюк аждодларимиз қадимжолари ва зибратгоҳлар обод этилганлигини алоҳида таъкидладилар. Бу эса юрдошларимизнинг бой тарихимиз ва маданиятимизни ўрганишлари, барча диний амалларни эмин-эркин бажаришларига катта имконият яратмоқда.

Тadbирда, шунингдек, дин никоби остидаги турли ёт гоьлардан халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни асрашда имом-хатиблар ҳамда нуронийлар зиммасига катта масъулият юклатилиши қайд этилди.

Вилоятимиз нуронийлари юртимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқдалар, дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Хасан Нормуродов. Айниқса, баркамол авлод таълим-тарбияси, ёш оилаларни мустақамлашда бой ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонларимизнинг панд-насихатлари, ўғиллари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, жамғармаимизнинг туман, шаҳар бўлимлари томонидан маҳаллалар, таълим муассасаларида доимий равишда ёшлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоати фонди бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга оширишмоқда. Жумладан, Мустақам оила йили муносабати билан «Нуронийлар – оила таянчи» шиори остида маънавий тadbирлар ўтказилмоқда. Айни пайтда эса Рамазон ойи муносабати билан жойларда нуронийлар иштирокида маданий-маърифий тadbирлар уюштирилмоқда. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга меҳр-муруват кўрсатилмоқда. Қабристон ва зибратгоҳларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Тadbир қатнашчилари Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиб, бу ерда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишдилар. **Ҳ.ХАСАНОВ, ЎЗА мухбири.**

# ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАХАТЧИ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Вилоят мусиқали драма театрида "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 14 нафар маслаҳатчи иштирок этди.

— Миллий-диний аънава ва урф-одатларимизни асраб-авайлашда, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларни бартараф этишда хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўрни беқиёс, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоати фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. — Бунинг учун маслаҳатчи юксак билимли ва ҳаётий тажрибага эга бўлмоғи лозим.

Қизгин баҳс-мунозаралар асосида ўтган ушбу танловда Шахрисабз туманидаги Сароисиё маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тамара Орипова мамлакат босқичига йўланма олди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эъдалик совғалари билан тақдирланди.

**Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Термиз шаҳрида "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу кўрик-танловда 12 та туман ва Термиз шаҳридан жами 13 нафар маҳалла маслаҳатчилари иштирок этишди. Унда иштирокчиларнинг маҳалла ҳаётига, оилавий бизнес ва хусусий тadbиркорликка оид кўргазмалари ҳам намойиш этилди.

Танлов натижасига кўра, 1-ўрин Шўрчи тумани Гулистон МФЙ маслаҳатчиси Санобар Эргашевага, 2-ўрин Денов тумани Навбахор МФЙ маслаҳатчиси Тошйибой Бойматовга, 3-ўрин эса Сароисиё тумани Олмазор МФЙ маслаҳатчиси Бибиойша Қодировага насиб этди.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Чори ЖУМАКУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**



# Меҳмонхона кема

Лондоннинг машҳур Кэнэри-Уорф кварталда Германиянинг йирик тезорав кемаси меҳмонхона хизматида тақриф этмоқда.



Хабарларга қараганда, Темза дарёсида тўхтаган "Deutschland" номли мазкур лайнер "Олимпиада - 2012" иштирокчилари ва меҳмонлари сони кўпайганидан, уларни турар жой билан таъминлаш мақсадида келтирилган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, 175 метрли мазкур кемада барча дам олиш ва яшаш шароитларига эга хоналардан ташқари, учта рес-

# Ижарага бепул шиппаклар

Хитой пойтахти метросида йўловчиларга йўқотилган оёқ кийимлар ўрнига янги туфли, шиппак ва мокасиналар бепул ижарага бериш йўлига қўйилди.



Метрополитен раҳбариятининг сўзларига кўра, Пекин метросида, айниқса, тизги пайтда, пойабзалларни йўқотиш ҳолатлари кўп учрайди. Фуқароларнинг шикоятларини инобатга олган ҳолда ушбу ноодатий қарорни қабул қилишга тўғри келган. Маълумотларга кўра, айни вақтда Пекин метросининг барча 182 бекатида оёқ кийимларни бепул ижарага бериш пунктлари ишга тушган. Ижарага олинган пойабзаллар кейинчалик ушбу пунктларга қайтарилиши лозим. Қайтарилган пойабзаллар стерилизация қилиниб, яна фойдаланилади.

# Гонконгликлар японлардан ўзиб кетди

Гонконгликлар дунёда энг узок умр кўрувчи одамлар, деб тан олинди.


Шу кунгача узок умр кўрувчи одамлар рўйхатида биринчи бўлиб келаётган японияликларнинг ўртача умр кўриш даври 85,9 йилни ташкил қилмоқда. Гонконгда эса ўртача умр кўриш 86,7 йилга етган. Япония соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги тарқатган маълумотларга кўра, мамлакатда 2011 йил март ойида содир бўлган зилзила ва цунами аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатган. Маълумот



ўрнида шунини айтиш жоизки, ушбу офатдан кейин япон аёллари ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари уч баробарга ошган.

# Митти видеокамера

Германиянинг "Fraunhofer" тadbиротлари институти олимлари дунёдаги энг кичик видеокамерани яратди.



Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, унинг узунлиги бир миллиметр, тасвирга олиш ҳажми 0,06 мегапиксель, квадрат матрицаси эса 250 пикселга тенг. Олимларнинг айтишича, ушбу видеокамерадан авиасозлик, машина-созлик соҳалари ва тиббиёт техникаси маҳсулотларида фойдаланиш мумкин.

# Денгиз тубидаги хазина

Швециялик экспедиторлар Болтиқ денгизи тубида 1564 йилда қўшиб кетган "Марс" кемаси атрофида сочилиб ётган тўрт мингта кумуш танга топдилар.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, аслар давомида сув остида ётган бу қимматбаҳо топилма жуда яхши сақланган. Уларнинг айтишича, бунинг асосий сабаби Болтиқ денгизи чуқурликларида кислород жуда кам бўлиб, у ерда ҳатто ёғоч ҳам чиримас экан.

**ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.** Тошкент давлат аграр университети жамоаси Илмий ва амалий тadbиротлар маркази бошлиғи Умумий техника фанлари кафедраси доценти **Эргашбой ХАЙДАРОВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор қилади.

# Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТАСИГА ҚАРАШЛИ 9221-СОНИ ХАРБИЙ ҚИСМ 2012 ЙИЛ ДАСТУРИ АСОСИДА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТНИНГ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЎЗАСИДАН ҚАЙТА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 9221-сонли харбий қисмга қарашли ПОГП-5 объектларини мукамал таъмирлаш (II-этап); Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 989,389 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 824,490 млн. сўм, қурилиш муддати — 5 ой.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмитасига қарашли 9221-сонли харбий қисм Манзил: Термиз шаҳри, Дарё porti. Тел. (8-376) 226-06-65.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: мудофаа объектларини қуриш ва таъмирлаш бўйича махсус лицензияга эга бўлишлари, танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар конунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — "Давархитектуралиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

Тошкент ш. Хама т. БТИО томонидан Тошкент ш. Хама т. Лисунов-4 39-уй 27-қондан учун Рахимов Нурилло Абдусаломович номига расмийлаштирилган ўш ҳужжатлар ўқовганига сабабли бекор қилинади.  
Тошкент ш. Учинов т. ТЭРЙИД (26.01.2007 й. регистр № 001374-01) бўйича ўтган "СОМДИОН ВА ДОКДИОН" ҳуқуқий сўромадаги (ИНН 204835221) тегишли Гувоҳнома йўқотганига сабабли бекор қилинади.  
Тошкент ви. Ангрен ш. Чигирчи кўрғони Ботина сў. 3-ўй манзилида тегишли Қурбоналиева Раъно Тўлқонова номига берилган ўш план ва кадастр ҳужжатлари йўқотганига сабабли бекор қилинади.  
В сўраш ва қўшимча маълумотларни ДХО "NOVY DEN-AZIYA" соошсанг олов қовий почтавий адреси: 100047 г. Тошкент Мирабодский р-н проспект А.Темур 16-А. Тел.: 226-47-46, 998-06-00.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ  
**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-оқ комплекс тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.  
**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Хобиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сунаат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Махсус котиб).

# Реклама ва эълонлар

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҲАМДА «АНДИЖОН» АЭРОПОРТИ ДУКЛАРИ ҚЎЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Буюртмачи:** Андижон вилояти ҳоқимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси; (Андижон шаҳри А.Навоий кўчаси 45 уй. Тел 224-19-97)

**ЛОТ 1**  
ЛОТ 1-1. Ҳўжаобод туманидаги "Баркамол авлод" болалар маркази биносини мукамал таъмирлаш; Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 240 718 000 сўм; Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 200 598 333 сўм; Ишларни тугаллаш муддати — 100 кун

**Ишларни молиялаштириш:** Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** "Андижон" аэропорти ДУК (Андижон шаҳар Янги айлана кўчаси 81-уй. Тел (+998-74) 224-48-64, 224-15-57)

**"Андижон" аэропорти ҳудудида жойлашган 1800 метр кўриқлаш периметр йўли ва кузатув минораларини капитал таъмирлаш; Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 508 046 130 сўм; Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 221 463 333 сўм; Ишларни тугаллаш муддати — 100 кун**

**ЛОТ 1-2. Қўргонтепа тумани 3-умумтаълим мактаби ҳудудидаги "Баркамол авлод" болалар маркази биносини мукамал таъмирлаш; Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 308 833 000 сўм; Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 257 360 833 сўм; Ишларни тугаллаш муддати — 100 кун**

# "UNIVERSAL AUKTSION INVEST" МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФАИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАҚИФ ЭТАДИ

2012 йил 5 сентябрь кунини соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига Бухоро шаҳар, Аэропорт кўчаси, 10-уйда жойлашган Бухоро вилояти Аэропортига қарашли 1996 йилда ишлаб чиқарилган "Дамас" рессумли, д/р 80 746 ВАА, ранги қизил, бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади:

Мақур автотранспорт воситаси биринчи савдо кунини, яъни 2012 йил 5 сентябрь кунинда сотилмай қолган тақдирда тақририй аукцион савдолари ҳар ҳафтагининг чоршанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдоридa комиссия йиғим тўланади. Аукцион

нарни (ҚҚС сиз) — 423 371 775 сўм; Ишларни тугаллаш муддати — 90 кун; Ишларни молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Диққат!** Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга, банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий

малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин.

**Андижон ш. Чинобод кўча, 59-уй, тел.факс 226-72-02.** Бир тўплам танлов ҳужжатларини нархи: 70 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишини охириги муддати, оферталар очилиш кунини ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

— аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

— жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; — закатат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча маълумотлар учун: "Universal Auktision Invest" МЧЖ Бухоро вилояти филиали, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10 уй (Давлат мулк қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносини). Тел: (+99893) 452-10-01.

**Гувоҳнома № 004059**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Кабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Халқлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.  
**ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** Корақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Навоий — (8-366) 921-50-08; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.